



АЖ «InFinBank»

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

АЖ «InFinBank»

Кенгаш Раиси

Лавозими

А. Н. Ахмаджанов

Ф.И.Ш.

Имзо

Сана

(«InFinBank» АЖ Кенгашининг  
«15» 11 2023 йилдаги 90-  
соили баённомаси)

АЖ «InFinBank»

Бошқарув Раиси

Лавозими

Б. Н. Бурханов

Ф.И.Ш.

Имзо

Сана

(«InFinBank» АЖ Бошқарувининг  
«26» 09 2023 йилдаги 128-сонли  
баённомаси)

Руйхатта олинган  
ДСК № 33 «—» — 20 — й.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ  
КУРАШИШ СИЁСАТИ  
ДСК № 33

Хужжат «InFinBank» АЖ мулки хисобланади. Ушбу хужжатнинг мазмуни бутунисича ёки киесманкўчирилиши ёки Банк ходими бўлмаган учинчи  
шасхларга Сифат бўйича Раҳбарият Раиси биланкелишмасдан тақдим этилиши мумкин эмас. Хар кандай ўзгаришлар ушбу хужжатнинг асл  
нусхасига ва назоратла турған нусхаларига киритилади

нусхасында назоратда турған нусхаларига кириллады

**МУНДАРИЖА****Үзгаришларни рўйхатга олиш варажаси**

1. Умумий қоидалар.....	4
2. Коррупцияга қарши курашишнинг мұхим тамойиллари.....	6
3. Коррупцияга қарши курашишининг асосий йұналишлар .....	7
4. Коррупцияга қарши курашиш тизими элементлари.....	8
5. Коррупциявий ҳаракатларга доир хабарлар .....	10
6. Қайта күриб чиқиш ва үзгаришлар киритиш тартиби .....	11
7. Сақлаш .....	11
8. Хулоса .....	11
9. Илова .....	12
10. Тарқатыш.....	43
11. Таништиришни кайд этиш варакаси.....	43

## Үзгаришларни рўйхатга олиш варагаси

Үзгариш №	Үзгариш мазмуні	Тасдиқланган	Кучга кириллган	Хужжат юритуви учун маъсул шахс имзоси

## I. ҮМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. «InFinBank» АЖнинг “Коррупцияга қарши курашиш Сиёсати” (кейинги ўринларда “Сиёсат”) банкнинг таркибий ва ҳудудий бўлинмалари (кейинги ўринларда – Банк)да ҳалоллик сиёсатини таъминлаш, яъни ходимлар ва умуман жамиятда коррупцияга қарши курашиш маданиятини ошириш мақсадида юксак хулқ-атвор стандартларига мувофиқлик, шунингдек лавозим (хизмат) мажбуриятларини бажариш чоғидаги Банк ходимлари томонидан коррупцияйи ҳаракатлар содир этилинига йўл кўймасликка доир позициясини ифодалайди.

1.2. Ушбу Сиёсат Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги Қонуни талаблари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги ПФ-6013-сон “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2021 йил 16 июндаги ПФ-6247-сон “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини тъминлаш, шунингдек жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонлари, 2019 йил 27 майдаги ПФ-5729-сон “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони мувофик коррупцияга қарши кураш соҳасидаги халқаро тизими – Талаблар ва уларни кўллашга доир тавсиялар” халқаро стандарти талаблари ва тавсияларини хисобга олган холда ишлаб чиқилган.

1.3. Банк Сиёсатни ўз фаолияти спецификасидан келиб чиқиб кабул қилади, банкнинг ўзига хос ва қолдик коррупциявий хавф-хатар ва мавжуд ресурслар асосида коррупцияга қарши курашиб бўйича ўз механизмларини ишлаб чиқади ва жорий этади.

14 Куйилагидар Банкда коррупцияга карши курашибининг асосий мақсади хисобланади:

#### **1.4.1. Банк ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунла**

ички хужжатлар талабларини тушуниш ва уларга риоя этилиши;

#### 1.4.2. Банкда коррупцияйи хавф-хатарларни камайтириш ва коррупцияга барҳам бериш:

1.4.3. Банкнинг барча фаолият соҳаларида коррупциянинг олдини

14.5. Вакцини оширишінде көмектесу мен оның моласында даражасын ошириш.

Миңкозларнинг Банк фаолияти юзасидан хукукий онги ва хукукий маданияти даражасини оптириш,

жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шаклантириш;

5. Банк ходимлари фаолияттегиң шаффоғлиги ва хүлк-атвор мөбөлдөрлөргө мувофиқтый ини табышынан, барлық барлық уларнин оқибаттарынан.

1.4.6. Коррупцияның ҳаракатларни ўз вактида аниклаш, уларга бархам бериш, уларнин обидалари, уларни багыттарастан коррупцияның ҳаракатларни содир

келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш,

этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги тамоийлини таъмдиганни юқудантириш

1.4.7. Банк ходимларыда коррупцияга муросасизликни шаклантириши.  
1.5. Мазкур Сиёсат талаблари эгаллаб турган лавозими ва бажараёттан функциясидан қатый назар Банкнинг

имлари учун бирдек амал қиласы.

1.6. Банкка ишга кираётган ҳар қандай шахс мазкур Сиесат билан имзо чеккан болса да

нга риоя қилиши лозим.

- банкнинг кузатув көнтаси ва бошқарувиний авзолари жадид болишинан

(банк тавакқалчиликларини бошқаришга масъул бўлмаган кумитаclar бўйдан мухим ахамиятга эга ходимлари; органлари аъзолари бўлмаган аъзолари, шунингдек банкнинг мухим ахамиятга эга ходимлари;

- бевосига ёки билвосига, якка тартибда ёки шахслар гурухи таркибида биргалиқда фаолият кўрсатувчи, банкда ҳал қилувчи эгаликка эга бўлган жисмоний ва (ёки) юридик шахслар, шу жумладан охиригы бенефициар мулкдорлар. Агар мазкур жисмоний шахсларнинг яқин қаринчоплари банкнинг устав капиталидаги улушларга эгалик килса ёки эгаликни назорат килса, унинг миқдоридан катъи назар, ушбу улуш мазкур шахснинг эгалигига ва назорати остида турган деб ҳисобланади;
- банк устав капиталида ҳал қилувчи эгаликка эга бўлган юридик шахсга нисбатан раҳбарлик ёки назорат қилиш ваколатига эга бўлган жисмоний шахслар;
- банклар гурухига кирувчи молиявий институтлар;
- банклар гурухига кирувчи молия институтининг капиталида ҳал қилувчи эгаликка эга бўлган жисмоний ва юридик шахслар;

- банклар гурухига кириувчи молия институтининг кузатув кенгалини, бекару аҳамиятга эга ходимлари;
- устав фондида (устав капиталида) банклар гурухининг асосий банки камидаги 20 фоизга бевосита ёки

- устав фондида (устав капиталида) санкхар түрү
- бильситя эгалик килувчи юридик шахс, шунингдек ушбу юридик шахс
- юридик шахс ва унинг мансабдор шахслари, башарти ушбу юридик

фондида) банк камида 20 фоизга бевосита ёки билвосита эгали - банк устидан назоратни амалга ошираётган юридик шахслар

- фоизига бевосита ёки билвосита эгалик құлувчи юридик шахс;

шахсларга алоқадор шахслар, шу жумладан жисмоний шахснинг яқин қариндошлари, шунингдек жисмоний шахслар ва (ёки) уларнинг яқин қариндошлари ўзида назоратни амалга ошираётган ёки устав фондларига (устав капиталларига) эгалик килаётган ёки бошқарув органининг аъзолари бўлган юридик шахслар;

- шахсларнинг манфаатларини кўзлаб банк билан қайси шахслар орқали битим амалга ошириладиган бўлса, ўша шахслар ва мазкур шахслар ўртасида қонунчилик ҳужжатларида белгиланган меҳнатга оид, фуқаролик ёки бошқа муносабатлар мавжудлиги туфайли мазкур битимда кўрсатилган шахсларнинг таъсири остида деб хисобланадиган шахслар.

банкка алоқадор шахсларнинг хукукий вакиллари;

- банкка алоқадор шахслар билан ўзаро тузилган битимга асосан банкка алоқадор шахснинг номидан харакат қилиш ваколатига эга бўлган шахслар;
- тузиладиган битимдан олинадиган фойдани бевосита ёки билвосита банкка алоқадор шахсларга берадиган шахслар.

**1.7.2. иш фаолияти юзасидан меҳмондўстлик белгилари** – учинчи шахсларнинг ҳамкорлик ўрнатиш ва/ёки уни кўллаб-куватлаш билан боғлик бўлган, Банк ходимларининг содиқлигини оширишга каратилган, Банк ходимлари манфаатлари йўлидаги ҳаражатлари, жумладан учинчи шахсларнинг овқатланиши, иш фаолияти юзасидан тушликлар ташкил этилиши билан боғлик ҳаражатлари, транспорт ҳаражатлари, яшаш, кўнгилючар тадбирлар, жумладан саёҳат дастурлари билан боғлик ҳаражатлар ва х.к.;

**1.7.3. контрагент** – Банк билан шартномавий муносабатларга киришган (меҳнат муносабатлари бундан мустасно) хар қандай юридик ёки жисмоний шахс;

**1.7.4. коррупция** – шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни конунга хилоф равишда тақдим эти;

**1.7.5. коррупциявий ҳавф-ҳатар** – Банк ходимлари ёки учинчи шахслар томонидан Банк номидан ёки уларнинг манфаатлари йўлида коррупциявий ҳаракатларни амалга ошириш ҳавфи;

**1.7.6. коррупциявий ҳаракатлар** – ходим томонидан бевосита ёки билвосита шахсан ёки учинчи шахслар орқали пора берувчи манфаатлари йўлида ҳаракат ёки ҳаракатсизлик учун моддий манфаатдор бўлиши, шу жумладан пул, кимматбаҳо қоғоз, бошқа кўринишдаги мулк ва мулкий хукуклар, мулкий ҳарактердаги хизматлар олиш, талақ қилиш, ундириш, таклиф килиш ёки бериш, пора бериш ва/ёки олиш ёки бунда воситачилик қилишда, расмиятчиликларни соддалаштириш учун тўловлар ундириш (пора олиш) ва бошқа ноконуний мақсадларда ўз хизмат вазифаларидан ноконуний фойдаланиш;

**1.7.7. коррупциявий ҳукуқбузарлик** – содир этилганлик учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига жавобгарлик белгилаб кўйилган коррупция аломатларига эга ҳатти-ҳаракат;

**1.7.8. коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси** – Банкда коррупцияга карши курашиш вазифаси юкланган таркибий тузилма;

**1.7.9. коррупцияга қарши курашиш тизими** – коррупциявий ҳаракатларнинг, Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилиги ва Банкнинг коррупцияга қарши курашиш масалаларига доир ички ҳужжатлари бузилишининг олдини олиш, Банк ходимлари томонидан ўз фаолиятини профессионал ва хулқ-атвор жихатдан юксак даражада амалга оширилишини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар;

**1.7.10. кронизм (фаворитизмнинг дўстона алоқаларга асосланган кўриниши)** – дўстлар ёки ишончли шахсларга ноконуний имтиёзлар тақдим этиш мақсадида ҳокимият ва/ёки обрўсидан фойдаланиш;

**1.7.11. мансабдор шахс:**

доимий, вактинча ёки маҳсус ваколат бўйича тайинланадиган ёки сайланадиган, ҳокимият вакили вазифаларини бажарадиган ёхуд давлат органларида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида, мулк шаклидан катъи назар, корхоналарда, муассасаларда, Банкларда ташкилий-бошқарув, маъмурий-хўжалик вазифаларини амалга оширадиган ва юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этишга ваколат берилган шахс, халқаро Банкда ёхуд чет давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, маъмурий ёки суд органида мазкур вазифаларни амалга оширувчи шахс.

**1.7.12. манфаатлар тўқнашуви** — Банк ходимининг шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, Банкларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг хукуклари ва конуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият;

**1.7.13. маҳаллийчилик** – маҳаллий манфатларнигина кўзлаб иш тутиш. Бунда, шахсни унинг наслий келиб чиши (аслзода ёки машхур сулола вакили эканлиги ва у жамоатчилик томонидан эътироф эътилганлиги) ҳамда яқин қариндошларининг эгаллаб турган хизмат мавқеи сабабли, унинг лавозимга кўйиладиган малака талабларига мос келиш-келмаслигини хисобга олмаган ҳолда ишга қабул қилиш, ротация қилиш ва лавозимга тайинлаш;

**1.7.14. непотизм (таниш-билишчилик, қариндош-уруғчилик; фаворитизмнинг қариндошлик ришталарига асосланган кўриниши)** - ўзининг яқин қариндошлари ёки дўстларига ноконуний имтиёзлар бериш мақсадида ҳокимиятдан фойдаланиш ва (ёки) таъсир ўтказиш, шунингдек, яқин қариндошлари ва (ёки)

дўйстларига асосиз мукофотлар хисоблаш, Банк манфаатлари заарига, якин қариндошлари ва дўйстларини ишга қабул қилиш ва лавозимга тайинлашлар;

- 1.7.15. **расмиятчиликларни содалаштириш учун тўловлар** – белгиланган тартиб-таомиллар ёки ҳаракатларни содир этиш билан боғлиқ стандарт тартиблар амалга оширилишини таъминлаш ёки тезлаштириш мақсадида тегишли қонунчилик ва норматив меъёрлар ҳамда қоидаларда кўзда тутилмаган иоконуний равишда тақдим этиладиган пул маблағлари, мол-мулк, мулкий хукуклар, хизматлар ҳамда бошқа моддий ва номоддий фойда;
- 1.7.16. **уруг-аймоқчилик** – Банк ходимининг авлод-аждодлари бир бўлган, бир сулолага мансублик асосида учинчи шахсларга нисбатан субъектив, имтиёзли ва нохолис муносабат шаклидаги шахсий манфаатдорлиги;
- 1.7.17. **фаворитизм** – Банк ходими бошқа шахс ва/ёки шахслар гурухи манфаатларига қараганда битта шахс ва/ёки шахслар гурухи манфаатларига устувор аҳамият қартиши, Банкда ходимлар танлаш ва жойлаштириш, лавозимини кўтариш, мукофот пули бериш ва давлат мукофотларига тавсия этиш, таътил бериш ёки сиҳаттоҳлар ва хорижий сафарларга юбориш, мурожаатлар, шунингдек иш ва навбатчилик жадвалларини кўриб чиқишида кетма-кетликни йўлга кўйиш билан боғлиқ вазиятларда тартибларга риоя қиласлик.
- 1.7.18. **хайрия (хайрия ёрдами)** – юридик ва жисмоний шахслар (хайрия қилувчилар)нинг Банк учун бепул ёки имтиёзлар асосида моддий ва/ёки номоддий бойликлар, хусусан, пул маблағлари шаклидаги бойликларни топшириш, улар учун маълум ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш ва хайрия мақсадларидаги бошқа кўллаб-кувватлашларни тақдим этишида намоён бўладиган ихтиёрий бегараз ёрдами;
- 1.7.19. **халқаро Банк** – давлатлар, хукуматлар ёки бошқа халқаро Банклар томонидан ташкилий шакли ва ваколатларидан қатъий назар ташкил этилган ҳар қандай халқаро Банк, жумладан, масалан иқтисодий интеграция бўйича минтақавий Банклар.
- 1.7.20. **ходим** – Банк билан меҳнат муносабатларига киришган жисмоний шахс;
- 1.7.21. **хомийлик (хомийлик ёрдами)** – юридик ва жисмоний шахслар (хомийлар) томонидан Банк (хомийлик килинаётган муассасалар)га улар учун ишлар бажариб бериш, хизматлар кўрсатиш ва хайрия мақсадларida бошқа турдаги ёрдамларни кўрсатиш, мол-мулк, жумладан пул маблағлари тақдим этиш билан ифодаланадиган ёрдами ҳисобланиб, уларнинг натижасида Банк муассасаларида ҳомий олдида ўзаро мажбуриятлар юзага келади;
- 1.7.22. **шафелик** – Банк ходимининг лавозими юкорироқ бўлган бошқа ходим томонидан қулай меҳнат шароитларини яратиб бериш шаклидаги химояси, уни ёқлаб ёнини олиши;
- 1.7.23. **яқин қариндошлар** – бир-бирига қариндошлик ёки яқин алоқаси бор шахслар, яъни ота-она, туғишган ҳамда ўғай ака-укалар ва опа-сингиллар, эр-хотин, фарзандлар (жумладан асраб олинган фарзандлар), бувалар, бувилар, набиралар, шунингдек эр (хотин)нинг ота-онаси, туғишган ва ўғай ака-укалари ва опа-сингиллари.

## II. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ МУҲИМ ТАМОЙИЛЛАРИ

- 2.1. Коррупцияга қарши кураш тизими қўйидаги тамойиллар асосида ташкил этилади ва фаолият юритади:
- 2.1.1. қонунийлик - Банкдаги коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мувофиқ давлат органларида коррупцияга қарши курашиш бўйича илгор дунё тажрибаси, шунингдек Банк ички хужжатларига қатъий риоя қилган ҳолда амалга оширилади;
- 2.1.2. коррупцияга нисбатан муросасизлик (тоқатсизлик) - Банк ўз фаолиятининг барча соҳаларида коррупциянинг ҳар қандай шакллари ва кўринишларига муросасиз (тоқатсиз) муносабатда бўлади. Банк ходимларига коррупциявий хавф-хатар келиб чиқиши мумкин бўлган фаолиятда бевосита ёки билвосита иштирок этиши қатъян тақиқланади;
- 2.1.3. очиқлик ва шаффоффлик - Банк ходимлари ва контрагентлари, кенг жамоатчиликни Банкда қабул қилинган ва амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисида хабардор қилиш (махфийлик ва хизмат сири тўғрисидаги қонун хужжатлари талабларини хисобга олган ҳолда);
- 2.1.4. коррупцияга қарши амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг превентив хусусиятга эга бўлиши, тизимлилиги ва яхлитлиги - коррупциянинг олдини олиш, коррупциявий ҳаракатларнинг содир этилишига хизмат қилувчи сабаб ва шарт-шароитлар ҳамда коррупциявий хатарларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишнинг устуворлиги. Коррупцияга қарши жорий этилаётган чора-тадбирлар ва тартиб-таомиллар аниқланган хавф-хатарлар даражасига мос келиши ва Банкнинг барча функциялари ва йўналишларини қамраб олган коррупцияга қарши курашиш тизимига бирлаштирилиши;
- 2.1.5. коррупция билан боғлиқ хукуқбузарликлар учун жавобгарликнинг муқаррарлиги - коррупция билан боғлиқ хукуқбузарликларни содир этган Банк ходимлари ўзининг мавқеи ва эгаллаб турган лавозимидан қатъий назар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Банкнинг ички хужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилади;
- 2.1.6. илмий-техник тараккиёт ютуклари ва ахборот технологияларидан фойдаланиш - Банк коррупцияга қарши кураш тизимини шакллантиришда илм-фан тараккиётининг сўнгти ютукларидан, шу жумладан, интеграциялаштирилган ахборот-коммуникация тизимларидан кенг фойдаланишга интилади;
- 2.1.7. тўғридан-тўғри раҳбариятга мурожаат қилиш - Банкнинг ҳар бир ходими коррупциявий ҳаракат содир этилганлигига доир ишончли ва асосли маълумотлар мавжуд бўлганда Ўзбекистон Республикаси

қонунчилити ва Банкнинг ички хужжатларида кўзда тутилган чора-тадбирларни қабул қилиш учун худудий бошқарма ёки унинг тасарруфидаги муассаса раҳбари ҳамда Банк раҳбарига ҳеч қандай тўсиксиз мурожаат қилиши мумкин;

- 2.1.8. фуқаролик жамияти вакиллари билан ўзаро ҳамкор Банк ўзига юқлатилган функцияларни бажаришда уларнинг фаолияти устидан мустақил ва холис назоратни амалга ошириш мақсадида фуқаролик жамияти вакилларини жалб қиласди;
- 2.1.9. мониторинг, таҳлил ва баҳолаш: Банк даврий асосда коррупцияга қарши курашиш тизими фаолияти мониторинги ва таҳлилини амалга оширади, шунингдек унинг самарадорлик ва натижадорлик кўрсаткичларини баҳолайди.
- 2.1.10. коррупцияга қарши курашиш тизимини доимий равишда такомиллаштириш - коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курапини тизимини мониторинг ва назорат қилиш ҳамда коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш мақсадида Банкда коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини тўхтовсиз равишда ошириш чоралари кўрилади.

### III. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

#### 3.1. Манфаатлар тўқнашувини бошқариш

- 3.1.1. Банк ходимлари ўз лавозим мажбуриятларини ҳалол ва вижданан бажариши, ўз мансаб ва хизмат мавкеидан ва Банк тасарруфидаги мол-мулклардан шахсий манфаатдорлик йўлида фойдаланмаслиги ва манфаатлар тўқнашувига олиб келиши мумкин бўлган вазиятлардан сакланиши лозим.
- 3.1.2. Банк ходимлари ишга қабул қилинаётганда, лавозими кўтарилаётганда ва ротация қилинаётганда ҳар йили ва тегишли вазиятлар/шарт-шароитлар юзага келишига қараб манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган шахсий манфаатдорлигига доир ахборотни очиқлаши лозим.
- 3.1.3. Банк ходимлари томонидан манфаатлар тўқнашуви ва уни тартибга солишга доир ахборотни очиқлаш жараёни Банкда манфаатлар тўқнашувини бошқариш тартиби тўғрисида ички меъёрий хужжатда белгилаб қўйилади.
- 3.1.4. Манфаатлар тўқнашувини аниқлаш учун самарали назорат тартиб-таомиллари Банк ходимларининг учинчи шахслар билан ўзаро алоқаси рўй берадиган барча функцияларга жорий этилиши лозим (масалан, танлов савдоларини ташкил қилиш, рейтингларни ҳисоблаш ва х.к.).

#### 3.2. Иш юзасидан совгалар ва меҳмондўстлик белгиларини қабул қилиш

- 3.2.1. Банк ходимларига ўз хизмат мажбуриятларини бажариши доирасида жисмоний ва юридик шахслардан совгалар меҳмондўстлик белгилари, жумладаи қарз, кафолатлар, кафилик, мукофот, моддий ёрдам, пакд пулсиз ва нақд пул маблағлари ёки уларнинг эквивалентлари, қимматбаҳо қофзлар, криптовалюта, бошқа моддий қадриятлар ёки хизматлар кўришишидаги рагбат воситаларини олиш тақиқланади.
- 3.2.2. Бунда, конференциялар, семинарлар ва турли шу каби учрашувларда тақдим этиладиган умумий қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 бараваридан ошмайдиган буюмлар бундан истисно ҳисобланади.
- 3.2.3. Банкда ички коррупциянинг олдини олиш мақсадида ходимлар ўртасида хизмат мажбуриятларини қабул қилиш билан боғлиқ бўлмаган ва ходим шахси билан боғлиқ деб эътироф этилган совгаларни беришда қуйидагиларга риоя қилинади:
  - а) совға олувчи учун манфаатлар тўқнашуви вазиятини келтириб чиқармаслиги ва совға берувчи олдида бирор-бир мажбуриятларни юзага келтирмаслиги лозим;
  - б) совға очик-ойдин берилади, совға бериладиган яширилмайди;
  - в) совғани факат умумэътироф этилган байрамлар (таваллуд айёми, фарзанд туғилиши, Ватан ҳимоячилари куни, Халқаро хотин-қизлар куни, Янги йил ва х.к) муносабати билан беришга рухсат этилади;
  - г) совғалар Банкнинг камиди учта ходими иштирокида берилши лозим;
  - д) совғани бериш чогида совға бериш учун сабаб бўлган воқеа-ҳодиса аниқ баён этилади;
  - е) ходимга берилган совғанинг умумий қиймати (барча солик ва йигимлар билан бирга) базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 (беш) барабаридан ошмаслиги лозим;
- 3.2.4. Банкнинг бир ходими иккичи ходимга совға олиш учун сарфлайдиган сумма миқдори ҳар ҳолатда базавий ҳисоблаш миқдорининг 1,5 (бир ярим) барабаридан ошмаслиги лозим.
- 3.2.5. Шубҳа (гумон)лардан ҳоли бўлиш учун ҳар қандай байрамлар (жумладан, лекин чекланмаган ҳолда тутилган кун, фарзанд туғилиши, Ватан ҳимоячилари куни, Халқаро хотин-қизлар куни, Янги йил ва х.к) муносабати билан мазкур Сиёсатнинг 3.2.1 ва 3.2.2 - бандларида келтириб ўтилмаган бошқа давлат органлари ва Банклари ходимлари, ҳамкорлар ва контрагентлар, бошқа жисмоний ва юридик шахслардан олинадиган мазкур Сиёсатнинг 3.2.3-бандида санаб ўтишган совғалар ва моддий бойликлар олиш тақиқланади.
- 3.2.6. Банк номидан халқаро конференциялар, симпозиумлар ва бошқа иш юзасидан (хизмат) учрашувларида совғалар бериш раҳбар буйруғига кўра мувоғик амалга оширилади.
- 3.2.7. Совға бериш, уни қабул қилишининг конунийлигига шубҳа тутилган тақдирда Банк ходими Банкда Коррупцияга қарши ички назорат тузилмасига маслаҳат сўраб мурожаат қилиши лозим.

#### 3.3. Банк ходимларининг иш фаолияти юзасидан ўтказиладиган талдирларда иштироқ этиши

3.3.1. Банк ходимларининг халқаро ва бошқа Банклар таклифига кўра иш фаолияти юзасидан ўтказиладиган тадбирлари (кўргазмалар, семинарлар, конференциялар ва ҳ.к.)да иштирок этишига қуидаги шартларга риоя қилган тақдирда рухсат этилади:

- таудириб Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, мазкур Сиёсат тамойиллари ва талаблари ҳамда Банкнинг бошқа ички хужжатларига мос келса;
- таудириб Банк ёки таклиф этган томоннинг қонуний манфаатларига хизмат килса;
- таудириб Банк ходимлари томонидан у ёки бу қарорлар қабул қилинишига таъсир қилмаслиги, бирор-бир ноконуний афзалликларни кўлга киритишни (масалан, буюртмачиларга тадбирини ўтказаётган лойиха-таддикот Банкига мурожаат қилишни тавсия килиш) кўзлаган яширин ноконуний мукофотлаш мақсади бўлмаслиги лозим;
- таудириб бундай тадбирда иштирок этишга доир мъалумотлар ошкор қилинган тақдирда Банк ва таклифни қабул қилувчи ёки таклиф этаётган томон мавқеи учун хатар туғдирмаслиги лозим;
- таудириб умумъетироф этилган илмий ва ишбилармонлик амалиётига мос келиши ҳамда кўнгилочар мазмундаги хусусият касб этмаслиги лозим;
- таудириб моҳияти ва қийматига кўра ўринли бўлиши, ҳаддан зиёд ҳашаматли, қиммат, файриодатий бўлмаслиги ва тез-тез тақрорланиб турмаслиги лозим.

3.3.2. Агар ишбилармонлик тадбирлари (семинар, симпозиум, давра сұхбатлари ва ҳ.к.) ташкилотчиси Банкнинг ўзи бўлса, у ҳолда бундай ишбилармонлик тадбири ушбу сиёсатда қайд этилган талабларга мос келиши лозим.

#### 3.4. Ходимлар билан боғлиқ жараённи тартибга солиш (ходимларни танлаш, лавозимини ошириш, моддий рағбатлантириш)

3.4.1. Банк ходимларини танлаш, аттестациядан ўтказиш ва уларнинг фаолиятини баҳолаш, жумладан мукофот, устамалар ва рағбатлантиришнинг бошқа турларини амалга ошириш жараёни барча ходимлар учун шаффоғ, тенг ҳукуқли ва холис ҳисоблапиб, мазкур Сиёсатнинг асосий тамойиллари ва талабларига мос келиши лозим.

3.4.2. Номзодларни Банкга танлаш тайинлаш жараёни Номзодларни Банкга ишга қабул қилиш учун текшириш бўйича кўлланма ва Банкнинг бошқа ички хужжатларига, манфаатлар тўқнашувини бошқариш тартибига мувофиқ комплекс равишда текшириш билан бирга амалга оширилади.

3.4.3. Банкда ходимларга оид масалаларда қарор қабул қилувчи ходимларнинг лавозимини оширганда, лавозимга тайинланганда, ходимлар заҳирасига қўшганда ва ҳ.к.ларда номзод (ходим)ларга ҳар қандай асоссиз имтиёзлар тақдим этиши тақиқланади.

3.4.4. Бўш лавозимларга саралаб олиш эгалланаётган лавозимга кўйиладиган талабларга мувофиқ танлов асосида ёки бошқа усул ёрдамида амалга оширилиши лозим. Бунда номзоднинг малакаси, касбий ва илмий ютуқларига асосий эътибор каратилади.

3.4.5. Банкда ходимлар фаолияти самарадорлигининг мухим кўрсаткичларини баҳолаш тартиби ва мезонлари ишлаб чиқилиши ва ходимлар унинг асосида рағбатлантирилиши лозим. Мазкур кўрсаткичлар холис, шаффоғ ва Банк ходимлари танишиб чиқиши учун очик бўлиши лозим.

#### 3.5. Текширувлар ўтказиш ва Банк тузилмалари фаолиятини ўрганиш

3.5.1. Турли текширувлар, ўрганишлар, мониторинг ўтказишида (кейинги ўринларда – текширув объектлари) Банк ходимлари:

- манфаатлар тўқнашви юзага келишига йўл кўймаслиги;
- текширув объектларини текшируви, ўрганилиши, мониторингини якка ўзи амалга оширмаслиги;
- текширув, ўрганиш, мониторинг объектига ташриф буюрувчилар ёки уларнинг вакиллари Банк, унинг худудий ва таркибий бўлинмаларига шахсан ташриф буюрганда улар билан ёлгиз қолмаслиги;
- йўл кўйилиши мумкин бўлган коидабузарликларни соҳталаштириш мақсадида текширув, ўрганиш ўтказиш, Ўзбекистон Республикаси қонунчилик нормаларини нотўғри талкин қилмаслиги, текширилаетган обьект ходимларини аниқланган фактларни ҳукукни муҳофаза қилиш ёки бошқа давлат органларига топшириш билан кўркитмаслиги;
- текширув, ўрганиш, мониторинг обьекти ходимларига таҳдид қилмаслиги;
- хужжатларни сўраб олиш ва текширув, ўрганиш, мониторинг предметига кирмайдиган масалалар билан қизиқмаслиги лозим;
- текширув, ўрганиш, мониторинг давомида аниқланган ҳар бир коидабузарликнинг қонуний ва профессионал баҳоланишини таъминлаши;
- коидабузарликларнинг видео ёки фотоказидини амалга ошириши (имкони ёки зарурияти бўлганида), Банк томонидан фойдаланиладиган ахборот тизимларига коидабузарликларга оид мъалумотларни киритиши;
- агар текширув, ўрганиш, мониторинг обьекти вакиллари Банк ходимига аниқлангаш қоидабузарликларни яшириш мақсадида пора ёки ҳар қандай моддий бойликлар ёки хизматлар тақдим этаётган бўлса, бу ҳакида текширув бўйича ишчи гурух раҳбарига ва Банкдаги коррупцияга қарши курашиш ички назорат тузилмасига зудлик билан хабар бериши;
- текширув, ўрганиш, мониторинг обьекти вакилларига Банк ходимларининг хулк-атвор тамойилларига мувофиқ холис муносабатда бўлиши шарт.

3.5.2. Банк томонидан ўтказилган текширувлар, ўрганишлар ва мониторинг натижалари юзасидан келиб тушган эътирозларни кўриб чиқиши учун комиссия ташкил этилади.

### 3.6. Ваколатли давлат органлари, контрагентлар ва учинчи шахслар билан шаффоф ва самарали ўзаро ҳамкорликни таъминлаш

3.6.1. Банк мазкур Сиёсат тамойиллари ва талаблари ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунчилик нормалариға зид келадиган ҳар қандай тўловларни ёки ҳаракатларни амалга оширмайди ҳамда коррупциявий ҳаракатлар содир этилганинда айбланган ёки ишончли очик маълумотлар орқали аниқланган коррупциявий жиноятлarda иштирок этган ёки интирок этинида гумон килинган ҳар қандай етказиб берувчилар, пурратчилар ва бошқа учинчи шахсларни ҳаридлар жараёнинга жалб қилмайди.

3.6.2. Контрагентлар билан муносабатларда Банк конунийлик ва шаффоффлик тамойиллариға амал қиласи.

3.6.3. Банкда объектив мезонлардан фойдаланишга асосланган етказиб берувчилар, пурратчилар ва бошқа контрагентларни таъминлашнинг ҳалол, очик ва шаффоф жараённи, шунингдек сотиб олинаётган товар ва хизматлар қийматини белгилашнинг шаффофф тартиби жорий этилиб, улар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва Банкнинг ички хужжатлари билан тартибга солинади.

3.6.4. Контрагентлар билан ўзаро ҳамкорликда Банк:

- Банкда контрагентларни текшириш бўйича йўрикнома ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талаблариға жалб мувофиқ потенциал контрагентнинг ишончлилиги, жумладан у ўтмишда коррупциявий фаолиятга жалб қилинган ёки килинмаганини, Банк ходимлари билан манфаатлар тўқнашуви мавжуд ёки мавжуд эмаслигини текширади;
- Банкнинг 500 (беш юз) миллионга тенг ва ундан йирик микдордаги ҳамда банкка алоқадор шахслар иштирокидаги ҳаридлари Баланс Кўмитаси Каорига кўра Ўзбекистон қонунчилиги ва Банкнинг ички хужжати бўлган Баланс кўмитаси Низомида белгилангани билан амалга оширилади.
- потенциал контрагент, жумладан ҳарид тартиб-таомиллари голибини у билан шартнома матнига маҳсус коррупцияга қарши шартларни кўшиш орқали ўзининг коррупцияга қарши тамойил ва талаблари ҳакида хабардор қиласи.

3.6.5. Ваколатли давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилишда (масалан, лицензия бериш, ихтинослаштирилган кенгашларда иштирок этиш, турли хужжатлар, объектларни келишишда ва х.к.) Банк хужжатларни кўриб чиқишининг шаффоффлиги ва холислигини таъминлайди ҳамда зарур ҳолларда мазкур давлат органлари томонидан салбий ва бошқа хуносаларга келиш сабаблари хусусида кўшимча маълумотларни талаб қиласи.

### 3.7. Хайрия ва ҳомийлик фаолиятининг шаффофф ва самарали жараёнини таъминлаш

3.7.1. Банк қонунчилик билан белгиланган ҳолатларда хайрия ва ҳомийлик ёрдамини қабул қилиши мумкин. Бундай ёрдамни олишда манфаатлар тўқнашувига йўл кўймаслик, маблагларни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ёки шартномада кўрсатилган мақсадларга самарали ва мақсадли йўналтирилишини таъминлаш, шунингдек хайрия ва ҳомийлик фаолиятига доир ахборотни Банкнинг Интернет тармоғидаги расмий веб-сайтида очиклаш бўйича барча чора-тадбирлар амалга оширилади.

3.7.2. Банк томонидан қабул қилинаётган хайрия ёки ҳомийлик ёрдами яширин мукофот тарзида бўлмаслиги ва Банкнинг алоҳида ходимлари томонидан хайрия килувчи ёки ҳомий, унинг яқин қариндошлари, уларга алоқадор шахслар, шунингдек хайрия килувчи ёки ҳомийда уларга нисбатан шахсий манфаатдорлиги бўлган шахслар фойдасига қарор қабул қилинишига таъсир кўрсатмаслиги лозим.

- хайрия қилувчи ёки ҳомий билан албатта шартнома тузиш ва унда хайрия ёки ҳомийлик ёрдамини олиш ва ундан фойдаланиш мақсадлари, ёрдам шакллари, ёрдамнинг пул ифодасидаги суммаси, хайрия килувчи ёки ҳомий олдида келиб тушган ёрдамдан мақсадли фойдаланиш тўғрисида хисоб бериш усули белгилаб қўйилиши лозим;
- бундай шартномага коррупцияга қарши шартларни киритиш;
- Банкнинг Интернет тармоғидаги расмий веб-сайтида олинган хайрия ёки ҳомийлик ёрдамига доир ахборотни жойлаштириши.

### 3.8. Ички хужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизаси

3.8.1. Ички хужжатларнинг хукуқий экспертизасини ўтказишида Банкнинг юридик хизмати коррупциявий ҳаракатларни амалга ошириш учун имконият яратувчи коррупциявий омиллар мавжудлиги ва уларни хужжатлардан чиқариб ташлаш мақсадида экспертиза ўтказади.

### 3.9. Банк фаолияти соҳасига янги технологияларни жорий этиш

3.9.1. Коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш мақсадида Банк ходимлари ўз функциялари ва лавозим мажбуриятларини ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда амалга оширади (агар имкони мавжуд бўлса).

3.9.2 Агар ҳаридлар доирасида танлов савдоларини ўтказилса, Банк Устави, Банк Конгаши ҳамда Банк Бошқаруви Низомлари ва бошқа ички хужжатларга мувофиқ, Банк ходимлари ахборот технологияларидан фойдаланади ва танлов савдолари иштирокчилари билан ўзаро алоқани электрон шаклда онлайн режимида бошқа электрон тизимлар билан интеграция қилиш имкониятини кўллашган ҳолда амалга оширади.

### 3.10. Банкдаги фаолиятни видеокайд қилиш ва унинг трансляцияси

3.10.1. Банк биноларида ходимлар фаолиятини назорат қилиши мақсадида аудио ва видеоёзув камералари ўрнатилиб, улардаги ёзувлар Банкнинг масъуль ходимлари томонидан кўриб борилади.

3.10.2. Банкнинг Интернет тармоғидаги расмий сайтида коррупция хавф-хатари юқори бўлган айрим жараёнларнинг онлайн трансляцияси жойлаштирилди (хусусан, ходимлар билан сухбат ўтказиш, уларни тестдан ўтказиш, комиссиялар йигилишилари ва х.к.).

**IV. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТИЗИМИ ЭЛЕМЕНТЛАРИ****4.1. Коррупцияга қарши курашиш бўйича мухим ички ҳужжатлар мавжудлиги**

4.1.1. Коррупцияга қарши курашиш тизими асосини:

- а) мазкур Сиёсат;
- б) Банк ходимларининг одоб-аҳлоқ Кодекси;
- в) Банқда манфаатлар тўқнашувини бошқариш Сиёсати да акс эттирилган тамоилилар ва талаблар ташкил этади.

4.1.2. Банк раҳбарлари ходимларга олий раҳбарлик намунасини кўрсатити лозим.

4.1.3. Банк раҳбари ва унинг ўринбосарлари, шунингдек Банк таркибий бўлинмалари раҳбарлари ўзига бўйсунувчилар, жисмоний ва юридик шахсларга нисбатан муносабатларда ҳалол, одил ва мустақил хулқ-атвор намунаси бўлиши ва шу орқали уларда коррупциявий ҳаракатларга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга хизмат қиласди.

4.1.4. Банк раҳбари ва уларнинг ўринбосарлари, шунингдек Банк таркибий бўлинмалари раҳбарлари Банк фаолиятининг хавф-хатар функциялари (йўналишлари)га коррупцияга қарши самарали чора-тадбирлар ва тартиб-таомилларни жорий этиш орқали коррупцияга қарши курашишнинг самарали тизимини барпо этиш ва амалга оширишга нисбатан лидерликни намойиш қиласди.

**4.2. Коррупциявий хавф-хатарни аниқлаш ва баҳолаш**

4.2.1. Банк ўз фаолиятига хос коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолашни ташкилий тузилмалар функцияларини хусусияти, жамият ва бошқа шахслар билан ўзаро муносабатлар, шунингдек Банқда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш услубиётига мувофиқ ташки ва ички омилларни хисобга олган ҳолда амалда оширади.

4.2.2. Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш бир йилда бир мартадан кам бўлмаган вактда коррупциявий хатарларни баҳолаш услабиятида белгиланган тартиблар ва жараёнларга мувофиқ ўтказилади. Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш натижалари Банкнинг раҳбари томонидан кўриб чиқилади. Аниқланган хавф-хатарларни минималлаштирувчи коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирлар ва тартиб-таомиллар Банкнинг коррупцияга қарши дастур ёки йўл хариталарида акс эттирилади.

**4.3. Коррупцияга қарши курашиш учун масъул**

4.3.1. Банқда коррупцияга қарши курашишнинг самарали тизимини шакллантириш учун алоҳида коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси ташкил этилади.

4.3.2. Банқда Коррупцияга қарши курашиш ички назорат тузилмаси ўз фаолиятини Комплаенс назорат тузилмаси тўғрисидаги низом асосида амалга оширади ва бевосита Банк Кенгашига бўйсунади.

4.3.3. Банк раҳбари Коррупцияга қарши комплаенс назорат тузилмасини Банк коррупцияга қарши вазифаларни амалга ошириш учун етарли даражадаги мустақиллик ва зарур ресурслар билан таъминлайди.

4.3.4. Банкнинг ходимлар билан ишлаш хизмати Банқда манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғрисидаги низом, шунингдек Ўзбекистон Республикаси конунчилиги нормаларида кўзда тутилган тартиб ва ҳажмда ходимларнинг яқин қариндошлари ва уларга алоқадор шахсларга доир маълумотларнинг тизимли ва ўз вактида йиғилиши, таҳлил килиниши ва актуаллаштирилиши учун жавоб беради.

4.3.5. Банкнинг барча филиалларида алоҳида Ходимлар билан ишлаш бўлими бўлими Бошқарув қошидаги ходимларни ривожлантириш ва баҳолаш кўмитаси (кейинги ўришларда HR кўмитаси) фаолият юритади.

4.3.6. Банқдаги HR кўмитаси Банқдаги ходимларнинг этик хулқ-атвор коидалари билан белгиланган хулқ-атвор меъёрларига риоя қилиш масалаларини кўриб чиқади, шунингдек Банқда манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғрисидаги низомда белгиланган тартибда манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ вазиятларни тартибга солиш жараённида иштирок этади.

**4.5. Банкнинг коррупцияга қарши сиёсати тўғрисида ходимлар ва учинчи шахсларнинг хабардорлигини таъминлаш**

Бу хам тегишли Регламент ишлаб чиқилди ва тақдим этилади

4.5.1. Банк коррупциявий хавф-хатарларни қисқартириш ва жамият хабардорлигини ошириш мақсадида мазкур Сиёсат ва ўзлари томонидан амалга оширилаётган коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирларга оид асосий ахборотларни расмий веб-сайтларида жойлаштиради.

4.5.2. Банк ўз ходимлари ва бошқа манфаатдор шахсларга қўйидагилар орқали Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши конунчилиги нормалари, шунингдек жорий этилган коррупцияга қарши тамоилилар, чора-тадбирлар ва талаблар тўғрисида хабар беради ва уларни тушунтиради:

- а) Банк раҳбари томонидан электрон манзил ва бошқа махсус алоқа каналлари орқали Банқда ходимлар томонидан коррупцияга қарши қабул қилинган нормалар ва талабларга риоя қилиниши мухим эканлигига доир доимий хабарлар юбориш;
- б) Банк ходимларини Банқда коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича ўқитишга доир режага мувофиқ коррупцияга қарши курашиш асослари бўйича мунтазам ва тизимли равишда бир йилда камида бир марта ўқитилиши ҳамда тестдан ўтказилишини таъминлаш;
- в) Янги ходимларни ишга қабул қилаётганда ушбу Сиёсат ва Банкнинг коррупцияга қарши курашишга доир бошқа ички ҳужжатлари билан албатта таништирган ҳолда, улар учун коррупцияга қарши курашиш бўйича мажбурий курсларни ташкил этиш;

- г) Банкдаги коррупция хавф-хатари юкори бўлган лавозимлар учун коррупцияга карши ўқитишнинг қўшимча дастурлари белгиланади. Ўтказилган ўкув курслари/тренингларга оид маълумотлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда Банкнинг Ходимлар билан ишлаш бўлимида сақланади;
- д) мавзуга доир аудио ва видеороликлар ҳамда Банк ходимлари ва фуқароларнинг коррупцияга қарши курашиш ва уларда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги хабардорлигини оширишга қаратилган бошқа ахборот материалларидан фойдаланган ҳолда коррупцияга қарши кампаниялар ташкил қилиш;
- е) мазкур Сиёсат қоидаларини қўллаш ёки коррупцияга қарши чора-тадбирлар ва тартиб-таомилларни амалга ошириш билан боғлик саволлар туғилганда, Комплаенс назорат тузилмаси томонидан Банк ходимларига маслаҳатлар бериш;
- ж) тасдиқланган режа асосида Комплаенс назорат тузилмаси томонидан Банкда коррупцияга қарши хулк-авторни фаол тарзда тарғиб қилиш;
- з) Банк ходимлари меҳнат шартномаларига коррупцияга қарши қоидаларни киритиш. Банк мазкур Сиёсат кучга кирган вактдан бошлаб Банкнинг янги ходимлари билан тузиладиган, шунингдек шартларни қайта қўриб чикиш доирасида ходимларнинг амалдаги меҳнат шартномаларига коррупцияга қарши қоидаларни киритади;
- и) Банк контрагентлари, ҳамкорлари, хайрия килувчилари, ҳомийлари билан тузиладиган шартномаларга коррупцияга қарши шартларни киритиш. Коррупцияга қарши шартлар мазкур Сиёсат кучга кирган вактдан бошлаб Банкнинг янги контрагентлари, ҳамкорлари, хайрия килувчилари, ҳомийлари билан тузиладиган шартномаларга киритилади. Коррупцияга қарши шартлар Банкнинг барча шартномаларига киритилади (электрон дўкон, электрон аукцион орқали харид натижалари бўйича ва давлат табиий монополиялари (пошлина, электр энергияси, газ таъминоти, темир йўллари, ҳаво йўллари ва х.к.) билан тузиладиган шартномалар бундан мустасно). Коррупцияга қарши шартлар мазкур Сиёсат қабул қилинишидан оддин тузилган шартномаларга шартларни қайта қўриб чиқиши доирасида ёки ташаббусга кўра киритилади.

#### 4.6. Мониторинг, назорат ва хисобдорлик

4.6.1. Коррупцияга қарши курашиш учун масъул Банкда амалга оширилаётган коррупцияга қарши тартиб-таомилларнинг доимий мониторинги, назорати ва уларнинг самарадорлиги, етарлилиги ва мутаносиблигини баҳоланишини амалга оширади. Ўтказилган мониторинг натижаларига кўра Банкда коррупцияга қарши курашиш тизимини шакллантиришга доир тегишли чора-тадбирлар қабул қилинади.

4.6.2. Мониторинг ва назорат Банкда Коррупцияга қарши тартиб-таомилларнинг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш услубиётига ва Банкнинг бошқа ички хужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

4.6.3. Коррупцияга қарши курашиш тизими мониторинги қуйидаги асосий йўналишлар бўйича амалга оширилиши лозим:

- а) Банк фаолияти функциялари ва ўзига хос жихатлари, унинг ташкилий-функционал тузилмаси ҳамда бошқа ташки ва ички омилларидағи ўзгаришларнинг Банкнинг коррупцияга қарши курашиш тизими ва уни тўғирлаш зарурати, жумладан унинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқлигини таъминлашга таъсири таҳлили;
- б) Ўзбекистон Республикасининг фаолиятида қўлланиладиган коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилиги ва ҳокимият органлари тавсияларининг мониторинги;
- в) ҳалқаро ва хорижий Банкларнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича самарали тизимини яратиш ва қўллаб-куvvatlash масалаларига доир тавсиялари мониторинги;
- г) оммавий ахборот воситаларининг Банк ёки ходимлари коррупциявий харакатларга жалб қилинганилиги тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек Банк контрагентлари ёки ҳамкорлари тўғрисида худди шундай маълумотлар мавжудлиги юзасидан мониторинг;
- д) самарасиз назоратлар ва тартиб-таомилларни аниқлаш учун уларни такомиллаштириш ҳамда коррупцияга қарши тизим ишончлилиги ва самарадорлигини таъминлаш мақсадида танлов асосида Банкнинг ички жараёнлари ва функцияларини мониторинг қилиш;
- е) Банкнинг коррупцияга қарши дастури ёки йўл харитаси бандлари бажарилишининг тўлиқлиги ва самарадорлигини мониторинг қилиш;
- ж) Банк ходимлари томонидан қабул қилинган коррупцияга қарши талаблар ва жорий этилган тартиб-таомилларга риоя қилинишини текшириш;
- з) Банк ходимларининг коррупцияга қарши асосий тамойиллар ва талаблар тўғрисида хабардорлигини текшириш;

4.6.4. Банкда коррупцияга қарши курашиш тизими самарадорлиги (коррупциявий хавф-хатарлар мавжуд эмаслиги) коррупцияга қарши курашиш тизимини ички аудитини ўтказип, жумладан Банкда белгиланган талаблар ва тартиб-таомилларга риоя этилишини назорат қилиш орқали текширилади.

4.6.5. Коррупцияга қарши курашиш тизимини мониторинг ва назорат қилиш тадбирлари якунлари ва натижалари коррупцияга қарши курашиш тизимининг ҳолати ҳакидаги хисоботларида акс эттирилади. Хисоботларни шакллантириш ва тақдим этиш тартиби Банкда коррупцияга қарши курашиш тизимининг ҳолати ҳакидаги хисоботларини шакллантириш ва тақдим этиш бўйича ички меъёрий хужжатда мустахкамлаб қўйилади.

**4.7. Жавобгарлик**

4.7.1. Мазкур Сиёсатга мос келиш ва Банкнинг коррупцияга қарши талаблари ва тартиб-таомилларига риоя қилиш ҳар бир ходимнинг ўз лавозим мажбуриятларини бажариш доирасидаги мажбурияти хисобланади.

4.7.2. Ходимлар мазкур Сиёсат ва Банкнинг бошқа ички хужжатларида белгилаб қўйилган коррупцияга қарши курашиш масалаларига оид талаблар ва тартиб-таомилларни бузганилиги учун шахсан жавобгар бўлади.

4.7.3. Коррупцияга нисбатан муросасизлик (тоқатсизлик) тамойилига амал қилган ҳолда Банкнинг барча ходимларига бевосита ёки билвосита, шахсан ёки воситачилар орқали ҳар қандай коррупциявий ҳаракатларда иштирок этиш қатъяни ман этилади, яъни:

- a) ўз мансаб ва хизмат мавқеидан ноқонуний фойдаланиш, шунингдек хизмат мавқеи ва ваколатларини сунистеммол қилиш мақсадида ҳар қандай шахслардан ноқонуний фойда талаб қилиш, сўраб олиш ёки сўраш, олишга розилик бериш ёки олиш, шунингдек ходим томонидан ўз лавозим мавқеидан Банкнинг қонуний манфаатларига зид равишда, жумладан ўзи ва учинчи шахслар учун ноқонуний фойда олиш мақсадида ноқонуний фойдаланиш;
- б) давлатнинг мансабдор шахси ёки бошқа ҳар қандай шахсга унинг ҳаракатларига таъсир ўтказиш (ҳаракатсизлигини таъминлаш) ва/ёки шахс, жумладан Банк манфаатлари йўлида ноконуний афзалликларни қўлга киритиш мақсадида лавозим мажбуриятларини ноқонуний тарзда бажаришга ундаш, ноконуний фойда (пора, пораҳўрлик) ни таклиф қилиш, ваъда бериш, бунга ижозат бериш, тақдим этиш;
- в) расмиятчиликларни соддалаштириш учун тўловлар ундириш, олиш ёки амалга ошириш;
- г) пораҳўрлик ёки тижорий порага олишда воситачилик қилиш, жумладан пора олувчига ноқонуний фойдани топшириш ёки пора олувчи ёки берувчига улар ўртасида ноконуний фойдани олиш ва бериш бўйича келишувга эришишда ёрдам бериш;
- д) Банк ходимларининг коррупция белгилари мавжуд бўлган ёки уни содир этиш, жумладан манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари юзага келишига хизмат қилювчи бошқа ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги.

4.7.4. Ходимлар ўз раҳбари ва Банкнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича масъулларига уларни коррупциявий ҳаракатларини содир этишта ундаш мақсадида мурожаат қилган шахслар билан боғлиқ, шунингдек уларга маълум бўлган бошқа ходимлар томонидан содир этилган коррупциявий ҳаракатларга оид барча ҳолатлар тўғрисида хабар бериши лозим.

4.7.5. Коррупцияга нисбатан муросасизлик (тоқатсизлик) тамойилини хисобга олган ҳолда Банкда ходимлар томонидан коррупциявий ҳаракатлар содир этилганлигига доир ҳар бир асосли гумон бўйича Банкда хизмат текширувларини ўтказиш бўйича регламент ва бошқа ички хужжатларда кўзда тутилган тартибда хамда Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мувофиқ хизмат текшируви ўтказилади.

4.7.6. Мазкур Сиёсат, коррупцияга қарши қонунчилик талаблари ва/ёки Банкнинг бошқа ички хужжатларида мустаҳкамлаб қўйилган коррупцияга қарши талаблар ва тартиб-таомилларни бузган Банк ходимлари лавозими, хизмат муддати ва бошқа омиллардан қатъий назар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Банкнинг ички хужжатлари доирасида ва уларда кўзда тутилган асослар бўйича жавобгарликка тортилади.

4.7.7. Коррупциявий ҳаракатлар аниқланган тақдирда Коррупцияга қарши курашиш бўйича тузилма уларни юзага келиш сабаблари ва имкониятларини таҳлил қиласи ва доимий равишида коррупцияга қарши курашиш тизимини тақомиллаштиради.

4.7.8. Ички хизмат текширувлари натижалари доимий равишида раҳбарга, Банк Кенгаши ва Банкнинг тегишли таркибий бўлинмалари раҳбарларига тақдим этилади.

4.7.9. Банк коррупциявий хукуқбузарликларни аниқлаш ва тергов қилиш учун хукуқни муҳофаза қилиш ва бошқа давлат органлари билан ҳамкорлик қиласи.

**V. КОРРУПЦИЯВИЙ ҲАРАКАТЛАРГА ДОИР ҲАБАРЛАР**

5.1. Банк ходимларининг ҳаракатлари қонунийлиги ёки этикага мослиги юзасидан шубха, коррупциявий ҳаракатлар ёки бошқа қоидабузарликлар билан боғлиқ таҳминлар ёки содир этилганлигига оид асосли гумонлар юзага келган тақдирда улар ҳақида Банкнинг умумфойдаланувидаги алоқа каналлари орқали очиқ ҳабар беради.

5.2. Банк ўз ваколатлари ва мавжуд имкониятлари доирасида қоидабузарликка оид асосли ахборотни тақдим этган шахсга доир маълумотлар махфилигини таъминлайди, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

5.3. Банк ўз ходимлари манфаатларини химоя қиласи ва бошқа ходимларнинг шубхали хулқ-атвори ёки мазкур Сиёсатнинг коррупцияга қарши курашиш талаблари бузилган бўлиши мумкинлиги ҳақида вижданан ҳабар берган ходимларга нисбатан ишдан бўшатиш, лавозимини тушириш, дискриминация, зулм ўтказиш, таъқиб қилиш сингари ўчилиш ҳаракатларига йўл қўйилмаслигини кафолатлайди.

5.4. Банкнинг алоқа каналлари орқали келиб тушган барча ҳабарлар Банк масъул шахслари томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Банкдаги коррупциявий ҳаракатлар тўғрисида ҳабар беришга мўлжалланган алоқа каналлари орқали келиб тушган ҳабарларни қабул қилиш ва уларни кўриб чиқишига оид ички хужжатлар ва Банкнинг бошқа ички хужжатларига мувофиқ ўз вактида ва холисона кўриб чиқилади.

5.5. Банк ходимлари томонидан атайлаб ёлғон ҳабар юбориш мазкур Сиёсат талабларини бузиш ва этикага зид хулқ-атвор намунаси сифатида баҳоланади, бу ҳақида ҳабар берган шахс эса ўз навбатида Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Банкнинг ички хужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилиши мумкин.

**VI. ҚАЙТА ҚҮРИБ ЧИҚИШ ВА ЎЗГАРИШЛАР КИРИТИШ ТАРТИБИ**

- 6.1. Мазкур Сиёсат қўйидаги ҳолларда қайта қўриб чиқилиши ва мувофиқлаштирилиши мумкин:
- 6.1.1. мавжуд коррупцияга қарши сиёсатлар ва тартиб-таомилларни қайта қўриб чиқиш заруратини юзага келтирувчи Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарини курант соҳасидаги конунчилиги ўзгарганда;
- 6.1.2. самарасиз коррупцияга қарши назорат тадбирлари ва тартиб-таомиллари аниқланганда, шунингдек Банк фаолиятида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарпти курамига қаратилган комплекс чора-тадбирларни такомиллаштириш зарурати юзага келганда;
- 6.1.3. Банкнинг ташкилий тузилмаси ва/ёки функцияларининг ўзига хос жиҳатлари ўзгарганда ва х.к.

**VII. САҚЛАШ**

7.1. Ушбу Сиёсатнинг асл нусхаси Юридик Департаментнинг Методология бўлимида ДСК № \_\_\_\_\_ раками остида сақланади. Ушбу Сиёсатнинг электрон нусхаси .PDF форматида хизмат юзасидан умумий фойдаланиш учун умумий серверда сақланади. Ушбу Сиёсатнинг электрон нусхаси .DOCX форматида кейинчалик ўзгаришлар ва кўшимчалар киритиш мақсадида хужжатни ишлаб чиқарувчida ва Юридик Департаментнинг Методология бўлимида сақланади.

**VIII. ХУЛОСА**

- 8.1. Ушбу Сиёсат Банк Кенгаши томонидан тасдиқланган санадан бошлиб кучга киради.
- 8.2. Ушбу Сиёсат кучга кириши билан Банк Бошқаруви томонидан 25.12.2019 йилда тасдиқланган ПСК-55-сонли «Коррупцияга қарши кураш тўғрисида» ги Низом ўз кучини йўқотади.

**IX. ИЛОВАЛАР**

- 9.1. Ушбу Сиёсатда иловалар мавжуд эмас.

**X. ТАРҚАТИШ**

Хужжатларни бўлинмаларга тарқатиш рўйхати		Тўлдирилган сана «_» 20 ___ йил
ДСК № тахрир	1-сонли тахрир	Кучга киритилган сана: «_» 20 ___ йил
Тарқатилиши зарур бўлган хужжатнинг номи		<b>КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА СИЁСАТ</b>
№		<b>Хужжат юборилиши зарур бўлган бўлинманинг / мансабдор шахснинг номи</b>
1		
2		
3		
4		
5		
6		
7		
8		
9		
Ишлаб чиқувчи имзоси		Методология бўлими бошлигининг имзоси



КОРРУПЦИЯГА  
ҚАРШИ КУРАШИШ СИЁСАТИ

Тахтад № 1 Таңылған: 15/11/2023

Атталь күннөдүүсү: 14 / 11 / 2027

## XI. ТАНИШТИРИШНИ ҚАЙД ЭТИШ ВАРАҚАСИ

Тарих № 1 Таңдикланган: 15/11/2023Амал күнінде: 14/11/2023

Бет: 15 из 16

## КЕЛИШИЛДИ:

О. Л. Нуманова

20 \_\_\_\_ г.

Ф.И.О.

« \_\_\_\_ » \_\_\_\_

П. Т.Салимов

20 \_\_\_\_ г.

Ф.И.О.

« \_\_\_\_ » \_\_\_\_

Д.М. Хожиев

20 \_\_\_\_ г.

Ф.И.О.

« \_\_\_\_ » \_\_\_\_

Б.С. Джураев

20 \_\_\_\_ г.

Ф.И.О.

ИМЗО

« \_\_\_\_ » \_\_\_\_

А.А. Имамов

20 \_\_\_\_ г.

Ф.И.О.

« \_\_\_\_ » \_\_\_\_

ИМЗО

Р.А. Каримов

20 \_\_\_\_ г.

Ф.И.О.

« \_\_\_\_ » \_\_\_\_

ИМЗО

Ш.С. Абдуллаев

20 \_\_\_\_ г.

Ф.И.О.

ИМЗО

« \_\_\_\_ » \_\_\_\_

## Хужжатнинг амал қилиш муддати:

«15» 11 2023 й.дан по «14»  
11 2027 й.гачаУзайтирилди «\_\_\_\_» 20 \_\_\_\_  
йилгачаАмал қилиш муддати тугагандан кейинги  
мақоми \_\_\_\_\_Нусха № \_\_\_\_  
Тарқатилған сана «\_\_\_\_» 20 \_\_\_\_  
й.(хужжатни тарқатишда хужжат юритуви  
учун жавобгар шахснинг асл имзоси)Хужжатни юритиш учун жавобган  
Сана шахснинг имзоси



«Invest Finance Bank»  
акциядорлик жамияти



ISO 9001:2015

2023 йил “30” август

## ЮРИДИК ХУЛОСА № ЮЗ-8

Юридик департамент томонидан ““Invest Finance Bank” акциядорлик жамияти “Коррупцияга қарши курашиш сиёсати түғрисида Низом лойиҳаси хукуқий экспертизаси ўтказилди.

Ушбу лойиха Ўзбекистон Республикаси “Банклар ва банк фаолияти түғрисида” ги Конуни ва бошқа меъёрий хужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилган.

Ушбу лойиха “Марказий банк томонидан тижорат банкларининг ички меъёрий хужжатлариiga қўйиладиган талаблар түғрисида Низом” (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 05.04.2000 йилда 916-сон билан рўйхатга олинган) нинг талабларига жавоб беради.

Юридик департамент  
директори

Ш.К. Шаропов

Методология бўлим  
бошлиғи

Р.Р. Якубов